

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**КОБИЛОВА АЗИЗА БАҲРИДДИНОВНА**

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ЛИНГВОМАДАНИЯТИДА ТИББИЙ**  
**ПЕРИФРАЗЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик**  
**ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

УДК: [811.512.133:811.111]’373.46’276.6:61

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам

The contents of the dissertation abstract for a Doctor of Philosophy (PhD) degree in Philology

**Кобилова Азиза Бахриддиновна**

Инглиз ва ўзбек лингвомаданиятида тиббий перифразаларнинг

хусусиятлари ..... 3

**Кобилова Азиза Бахриддиновна**

Особенности медицинских перифраз в английской и узбекской

лингвокультурологии ..... 25

**Kobilova Aziza Bakhriddinovna**

Peculiarities of Medical Periphrases in English and Uzbek linguaculture ..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of publications..... 51

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**КОБИЛОВА АЗИЗА БАХРИДДИНОВНА**

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ЛИНГВОМАДАНИЯТИДА ТИББИЙ**  
**ПЕРИФРАЗЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик**  
**ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2020.1.PhD/Fil1148 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Бухоро давлат университети веб-саҳифасида ([www.buxdu.uz](http://www.buxdu.uz)) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Абузалова Меҳринисо Кадировна  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** Аҳмедов Ойбек Сапорбаевич  
филология фанлари доктори, профессор

Қосимова Нафиса Фарҳодовна  
филология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:** Самарқанд давлат чет тиллар институти

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «27 сентябрь» соат 12:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-29-14; факс: (0 365) 221-57-27; e-mail: [buxdu\\_rektor@buxdu.uz](mailto:buxdu_rektor@buxdu.uz)).

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (156 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-25-87).

Диссертация автореферати 2022 йил «05 сентябрь» куни тарқатилди. (2022 йил «05 сентябрь» даги 22-16 - рақамли реестр баённомаси).



**Д.С.Ўраева**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол. ф. д., профессор

**З.И. Расулов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филол. ф. н., доцент

**М.М. Жўраева**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида илм-фан тараққиёти туфайли юзага келган ва алоҳида соҳа сифатида шаклланиб улгурган лингвомаданиятшунослик йўналишидаги илмий изланишлар янги босқичга кўтарилди. Мазкур жараёнда когнитив тадқиқотлар ва турли хил таркибли тиллардаги концептуал соҳаларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш замонавий тилшуносликнинг ажралмас қисмига айланди. Мазкур жараён нутқий хусусийликлардан бири ҳисобланган тиббий перифразаларнинг лисоний мавқеи, интертекстуал, интердискурсив функционаллиги, лингвопрагматик ва лингвомаданий хусусиятларини илмий изоҳлаш талабини келтириб чиқарди. Зеро, улардаги ҳиссий бўёқдорлик, вариантлик шакллари, уларнинг тил ҳодисалари билан ўзаро боғлиқлигини тиллараро ва маданиятлараро муносабатлар асосида ўрганиш, уларнинг матнро динамик хусусиятларини дифференциал ва интеграл ёндашув асосида аниқлаш, инсон мантиғи ва тафаккури билан боғлиқ лисоний концептуализация ҳодисасини назарий баҳолаш имкониятини яратади.

Дунё тилшунослигида мутахассисларни нутқнинг бунёдкорлик кучи асосида пайдо бўлган лисоний бирликлар, жумладан, перифразалар, уларнинг турли касб эгалари нутқидаги кўринишлари ҳамда перифрастик бирликларнинг лисоний имконият даражасига кўтарилиши каби масалаларни қиёсий ўрганишга бўлган эътибор тобора ортиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, перифразани илмий-назарий жиҳатдан ўрганишга бўлган қизиқишнинг кучайиши - ўзбек тилшунослигидаги тадқиқотларга ҳам таъсир кўрсатмоқдаки, нутқнинг аниқ, таъсирчан ва, албатта, бетакрор бўлишига хизмат қиладиган тасвирий ифодаларнинг (жумладан, перифраза) тиббий матнларда ҳосил бўлиш хусусиятлари, қардош ва қардош бўлмаган тиллар қиёсида лингвомаданий жиҳатдан ўрганилган фундаментал тадқиқотларнинг учрамаслиги мазкур муаммо ечимини тақозо этади.

Мамлакатимизда давлат тилига эътибор маънавиятга эътиборнинг устувор йўналишларидан бири даражасига кўтарилди ва ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ҳамда халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида “давлат тили масаласи миллий ғоямизнинг асосий тамойилларидан бири бўлиши зарур”лиги, “бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада, аввало, ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши”<sup>1</sup> алоҳида қайд

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сонли «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони/  
www.xabar.uz

этилди. Шу маънода тиббий перифразаларнинг лингвомаданий моҳиятини инглиз ва ўзбек тиллари мисолида қиёсан тадқиқ қилиш, миллий тилшунослигимизни назарий қарашлар, ечимлар билан бойитишга кенг йўл очиб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг: I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Лингвокультурологиянинг илдизлари В. фон Гумбольдт назарияларига бориб тақалади<sup>2</sup>. Тилшуносликда “лингвокультурология” терминини илк марта В.Н.Телия тадқиқ этган<sup>3</sup> бўлса-да, бу соҳада асосий тадқиқотлар В.А.Маслова томонидан олиб борилган<sup>4</sup>. Ш.С.Сафаров тил ва тафаккурнинг миллий менталлик ва миллий маданият тушунчалари билан узвий боғлиқлигини тадқиқ қилган<sup>5</sup>. Шунингдек, тилнинг жамият, маданият, инсон ва унинг руҳияти, қарашлари ҳамда ғоялари билан чамбарчас боғлиқлиги бир неча хорижий ва ўзбек олимлари томонидан тадқиқ этилган<sup>6</sup>.

<sup>2</sup> Гумбольдт В. Язык и философия культуры. – М.: Прогресс, 1985. – 448 с.

<sup>3</sup> Телия В.Н. Русская фразеология: семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – М.: Школа “Языки русской культуры”, 1996. – 288 с.

<sup>4</sup> Маслова В.А. Лингвокультурология: учеб. Пособие для студ. высш. учеб. заведений. – М.: Академия, 2001. – 208 с.;

<sup>5</sup> Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси давлат илмий нашриёти”, 2008. – 285 б.

<sup>6</sup> Chomsky N. New Horizons in the study of Language and Mind. – Cambridge: Cambridge Univ. Press, 2000. – 250 p.; G.Lakoff, M.Johnson. Metaphors We Live By. – Chicago: University of Chicago Press? 1980. – 354 p.; Farzad Sharifian. Cultural Conceptualisations and Language // Amsterdam, Philadelphia 2011. P. 238; Hofstede G.N. Culture’s Consequences: International Differences in Work-related Values. – Beverly Hills: Sage Publication, 1984. P. 475; Mc Carthy M., Carter R. Language as Discourse: Perspective for Language Teaching. – London, New York: Longman, 1994. – 248 p.; Pennycook A. The Cultural Politics of English as an International language //

Шу билан бирга аксарият инглиз олимлари перифраза ва шунга ўхшаш стилистик воситаларни бадий адабиётнинг муҳим характерли белгиси сифатида ўрганиб, асосан, бу ҳодисанинг функционал хусусиятларига эътибор қаратганлар<sup>7</sup>. Шунингдек, инглиз тили перифразаларининг туркумларга муносабати ва матндаги ўрни Е.Т.Лисовская тадқиқотида, перифразаларнинг лингвопрагматик хусусиятлари Е.Л.Туницкая диссертациясида, бу тил ҳодисасининг матбуот тилида экспрессив восита сифатидаги ўрни М.А.Сиривля<sup>8</sup> ҳамда бир қанча олимлар изланишларида тадқиқ этилган<sup>9</sup>.

Ўзбек тилшунослигида перифраза ҳодисасини ўрганиш XX асрнинг 90-йилларида бошланган. Бу вақтга қадар перифраза ҳақидаги маълумотлар луғат ҳамда ўқув қўлланмалардаги қисқача таърифлардангина иборат бўлган, холос<sup>10</sup>. Перифразаларга бағишланган дастлабки тадқиқот Ҳ.Шамсиддинов томонидан эълон қилинган<sup>11</sup>. У ўз мақоласида перифразани ўрганиш юзасидан муҳим масалаларни ўртага ташлаган. Кейинчалик олим докторлик диссертациясида перифразаларнинг функционал-семантик синоним сифатидаги хусусиятларини атрофлича ёритиб берди<sup>12</sup>. Ш.Турниёзов перифразалар ҳақидаги мақоласида уларнинг ясалишига доир

A.Pennycook. – London; New York: Longman, 1994. – P. 47.; Thomas J. Meaning in interaction. An Introduction to Pragmatics // J.Thomas. – Longman, 1995. – P. 37.; Воркачев С.Г. Лингвокультурология, языковая личность, концепт: становление антропоцентрической парадигмы в языкознании // Филологические науки. – Москва, 2001. № 1. – С. 64; Воробьев В.В. Лингвокультурология: теория и методы. – М.: Изд-во РУДН 2008 – 340 с.; Красных В.В. Этнопсихоллингвистика и лингвокультурология. – М.: Гнозис, 2002. – 284 с.; Иванова С.В. Культурологический аспект языковых единиц. Дис... док. филол. наук. – Уфа, 2003. – 367 с.; Караулов Ю.Н. Язык и личность. – М.: Наука, 1989. – С. 216; Артемова О.Е. Лингвокультурология специфика текстов процентного жанра “лимерик”: На материале английского языка: Дис... канд. филол. наук. – Уфа: БашГУ, 2004. – С. 24; Слышкин Г.Г. От текста к символу: лингвокультурные концепты прецедентных текстов в сознании дискурса. – М.: Academia, 2000. – 139 с.; Салиева З.И. Концептуальная значимость и национально-культурная специфика синтаксиса в английском и узбекском языках: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент: УзГУМЯ, 2010; Махмудов Н. Тил ва маданият. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – 110 б.; Махмудов Н. Ўхшатишлар – образли тафаккур маҳсули // ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2011. – № 3. – Б. 19-24; Ҳакимов М. Ўзбек тилида матнинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ри ... дис. – Тошкент: ЎзРФА ТАИ, 2004. – 283 б.;

<sup>7</sup> Timmons C., Gibney F. Britannica book of English Usage // New York: Britannica books, 1980. – P. 78; D.Crystal The Cambridge Encyclopedia of the English Language // Cambridge: Cambridge University Press, 1995. – P. 208.; Holder R.A. How Not to Say What You Mean // R.W.Holder. – Oxford University Press, 2002. – P. 57; Neaman J.S. The Wordsworth book of euphemisms // J.S. Neaman, C.G. Silver. – Cumberland House, 1995. – P. 65.;

<sup>8</sup> Лисовская Е.Т. Именные перифразы в современном английском языке и их текстовый статус: дисс... кандидата филол...наук. – Минск, 1984. – 198 с.; Туницкая Е.Л. Перифразирование в лингвопрагматическом аспекте на материале французского дискурса: автореферат дисс... докт...филол. наук. – Москва, 2010. – 44 с.; Сиривля М.А. Перифраз как экспрессивное средство языка газеты: семантико-прагматический аспект: автореф... кандидата филол...наук. – Челябинск, 2007. – 23 с.

<sup>9</sup> Абдулхамидова П.Ш. Лексика народной медицины шугнанского языка: автореф... кандидата филол...наук. – Душанбе, 2006. – 21 с.; Kukhareno V.A. Practice in English Stilistics. – Підручник-Вінниця: Новая книга, 2000. – 160 с.; Galperin I.R. Stylistics // I.R. Galperin. – 3-edition. – Moscow: Visshaya Shkola, 1981. – P. 89.

<sup>10</sup> Ҳожиев А. Лингвистик терминлар изоҳли луғати. – Тошкент, 1985. – 267 б.; Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2002. – Б. 80.; Миртожиев М. Ўзбек тили лексикологияси ва лексикографияси. Ўқув қўлланма. – Т.: ЎЗМУ, 2000. – Б. 42.

<sup>11</sup> Шамсиддинов Ҳ. Перифраза хусусида айрим мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1993. – №4. – Б. 29-35.

<sup>12</sup> Шамсиддинов Ҳ. Ўзбек тилида сўзларнинг функционал-семантик синонимлари: филол. фанлари д-ри ... диссерт. – Тошкент, 1999. – Б. 141-173.

баъзи мулоҳазаларни баён этган<sup>13</sup>. Ўзбек тилшунослигида перифразалар илк бор монографик планда И.Умиров томонидан тадқиқ этилган<sup>14</sup>. Унда тадқиқот муаллифи бу ҳодисанинг тил ва нутққа бўлган муносабатини, перифразаларнинг турларини, уларнинг ёндош ҳодисалар билан ўхшаш ҳамда фарқли жиҳатларини белгилашга ҳаракат қилган. Д.Айтбоев эса перифразаларнинг мотивлашуви ва луғатларда берилиши масаласини ёритиб берган<sup>15</sup>.

Замонавий тадқиқотларда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда инглиз тилшунослигида ҳам, ўзбек тилшунослигида ҳам махсус тадқиқ этилмаган тиббий перифразаларининг лингвомаданий хусусиятлари қиёси борасида ечимини кутаётган муаммолар нисбатан кам ўрганилганлиги кўзга ташланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Бухоро давлат университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 2016-2022 йилларга мўлжалланган «Ўзбек тилшунослигида тил, шахс ва жамият муносабатлари тадқиқи муаммолари» ҳамда «Прагмалингвистика, функционал таржимашунослик ва тил ўргатиш жараёнлари интеграцияси» мавзусидаги илмий ишлар режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** инглиз ва ўзбек тиллари тиббий перифразаларини лингвомаданий таҳлил доирасида социомаданий, контекстуал-дискурсив, ижтимоий-психологик, функционал аспектларда ёритишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тиббий матнларда тадқиқот муаммосига оид перифразаларнинг ҳосил бўлиш усулларини ҳамда функционал хусусиятларини очиқ бериш;

тиббий перифразаларнинг контекстуал-дискурсив функциясини ўрганиш;

инглиз ва ўзбек тилларидаги тиббий перифразаларни когнитив-морфологик жиҳатдан тадқиқ этиш ҳамда статистик таҳлилга тортиш;

ҳар иккала қардош бўлмаган тиллар кесимида тиббий перифразаларнинг қиёсий-структур таҳлилинини амалга ошириш;

инглиз ва ўзбек тиббий перифразаларининг лингвомаданий, социомаданий, ижтимоий-психологик талқинини кўрсатиб бериш;

тиббий перифразалар орқали шарқ ва ғарб маданиятининг ўзига хос анъаналари, қадриятларини лингвокультурологик нуқтаи назардан ўрганиш ва таҳлил этиш;

<sup>13</sup> Турниёзов Ш. Перифразалар деривацион хусусиятлари ҳақида айрим мулоҳазалар // Хорижий филология. – Самарқанд, 2005. – №3. – Б. 36-37.

<sup>14</sup> Умиров И.Э. Ўзбек тили парафразалари: филол. фанлари номзоди ... дисс. – Тошкент, 1996.

<sup>15</sup> Айтбоев Д. Ўзбек тилидаги перифразаларнинг мотивлашуви ва лексикографик талқини: филол.фан. номзоди автореферат. – Тошкент, 2007. - 23 б.

инглиз ва ўзбек тилида тиббий перифразалардан фойдаланишнинг когнитив хусусиятларини очиб бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида инглиз ва ўзбек публицистик дискурсида учрайдиган тиббий перифразалар танланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни инглиз ва ўзбек тилидаги тиббий перифразаларнинг лингвомаданий хусусиятларини аниқлаш ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда ментал-маданий, когнитив-морфологик, социомаданий, контекстуал дискурсив, қиёслаш, ижтимоий-психологик, статистик, функционал, интерпретацион таҳлил каби методлардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

тиббий перифразалардаги эстетик ва баҳоловчи ахборот ташиш хусусиятининг ва мазмун чегараси ўзгаришининг тилдан фойдаланувчи миллат маданияти, мафкураси билан шартланганлиги мазкур лисоний бирликларни ўрганишда диахроник (тарихий тараққиёт кесимида) усулнинг устуворлигини белгилаши далилланган;

инглиз ва ўзбек тиббий перифразалари шаклланиш жараёнининг коммуникатив ва дериватив характери лисоний бирликнинг матн ривожидоирасида воқеланиши ва матн ҳосил қилиш қонуниятлари билан белгиланиши, мазкур жараён натижаси сифатида перифразанинг иккиламчи маҳсулот эканлиги асосланган;

тиббий перифразаларнинг нейтрал ва эмоционаллиги, контекстга боғлиқ ва боғлиқ эмаслигида намоён бўладиган ички қарама-қаршиликларга уларнинг турли матнлар доирасида контекстуал ва деривацион мазмун касб этиши, турли контекстларда таърифланишига эҳтиёж сезиш ва сезмаслик табиати сабаб бўлиши аниқланган;

хар икки тилдаги тиббий перифразаларнинг бирламчи омиллари сифатида контекстуал-дискурсив хусусиятлари, матнга хос бўлган интертекстуаллик, контекстуал вазият, шакл ва мазмун мутаносиблиги/номутаносиблиги ҳамда тиллараро структур, систем ва функционал асимметрия, иккиламчи омиллар эса перифразаларнинг лингвомаданий табиати, динамик характерида намоён бўлиши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тиббий перифразаларни ҳосил қиладиган омиллар сифатида баҳолаш, тасвирлаш, образли ифодалаш хусусиятлари ҳамда дифференциал белгилари лингвопрагматик ёндашув асосида далилланган;

инглиз адабиётшунослик терминологиясининг шаклланиши, юзага келиш омиллари, тараққиёт босқичлари, таркиби аниқланиб, терминология тизимидаги структур-семантик, шаклий-мазмуний жиҳатлари далилланган;

турли тиллар оиласига мансуб инглиз ва ўзбек тиббий перифразаларининг шаклланиши, юзага келиш омиллари, тараққиёт босқичлари, таркиби аниқланиб, уларнинг лексик-семантик, когнитив-

морфологик, парадигматик-синтагматик, услубий-функционал, лексикографик хусусиятлари изоҳланган;

бадий адабиёт ва оммавий ахборот воситалари материаллари асосида тўпланган тиббиётга оид перифразалар ўқув луғатчилигини бойитишга ҳамда жамиятнинг турли ижтимоий қатламлари ва касб эгалари мулоқот маданиятини такомиллаштиришга хизмат қилиши амалиётда аниқланган;

диссертация материаллари услубшунослик фанидан маърузалар ўқишда, махсус курс ва семинарлар ташкил этишда манба бўлиши, филология ва журналистика йўналиши талабаларига мўлжалланган дарсликлар, шунингдек, мутахассислик бўйича ўқув, методик қўллама яратишда, амалий тавсиялар ишлаб чиқишда, соҳа лингвистикасига оид илмий қарашларни такомиллаштиришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** муаммонинг аниқ қўйилганлиги, олимларнинг назарий фикрларига таянилганлиги, тадқиқотда замонавий тилшунослик ва таржимашунослик ютуқларидан келиб чиққан ҳолда чиқарилган хулосаларнинг лексикографик, транспозитив, дистрибутив, морфо-семантик, таснифлаш, қиёслаш ва статистик таҳлил усуллари орқали далилланганлиги билан белгиланади; назарий фикр ва натижаларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган хулосаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Иш инглиз ва ўзбек тилларидаги тиббий тасвирий ифодаларни монографик йўналишда ўрганишга қаратилган. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти инглиз ва ўзбек тилларидаги перифразалар, хусусан, тиббий перифразаларнинг лингвистик хусусиятлари аниқланганлиги ва илмий қарашлар баён этилганлигида кўринади. Диссертацияда келтирилган фикр-мулоҳазалар инглиз ва ўзбек тилларидаги тиббий перифразаларнинг лингвокультурологик жиҳатларини ёритишда илмий манба сифатида хизмат қилади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти тадқиқот натижаларидан инглиз ва ўзбек тили услубшунослиги бўйича қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги, шунингдек, журналистика ва филология факультетлари талабаларига махсус курслар доирасида ўқитилиши, радио-телевидение, босма матбуот ва, шу билан бирга, тиббиёт ходимларига қўлланма сифатида хизмат қилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Инглиз ва ўзбек тили тиббий перифразаларининг лексик-стилистик, морфологик ва структур хусусиятларини лингвокультурологик нуқтаи назардан қиёсан ўрганиш бўйича олинган натижалар асосида:

икки қардош бўлмаган тиллар доирасидаги тиббий перифразаларнинг юзага келиш йўллари ҳақидаги умумлашма назарий қарашлар, инглиз ва ўзбек тилларидаги тиббий перифразаларнинг ўзаро ўхшаш ҳамда фарқли жиҳатлари муаммоси билан боғлиқ хулосалардан Навоий давлат педагогика институтида бажарилган Ф1-ХТ-0-19919А-1-118 рақамли “Ўзбек

мифологияси ва унинг бадий тафаккур тараққиётида тутган ўрни” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Навоий давлат педагогика институтининг 2021 йил 28 июндаги 8887-1827/04-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа материаллари икки тил доирасидаги тиббий перифразалар таҳлилига асосланган соҳа луғатлари яратилган ва янги илмий манба ва маълумотлар билан бойиган;

тиббий перифразаларга хос луғавий маъно гуруҳларининг фикр ифодалашдаги роли, инглиз ва ўзбек тили тиббий перифразаларининг лингвистик: лексик-стилистик, морфологик ва структур, лингвокультурологик хусусиятлари ҳақидаги хулосалардан Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган И-204-4-5 “Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2021 йил 29 июндаги 1377/30.02.01-сон маълумотномаси). Натижада тиббий перифразалар таҳлилига асосланган ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратилган ҳамда ўқув жараёнига жорий қилинган;

тиббий перифразаларнинг миллий хосликларга эга семантик маъно гуруҳлари, уларнинг нутқ интенциясини ифодалашдаги роли хусусидаги назарий маълумотлардан Бухоро давлат университетидан 2018-2019 йилларда бажарилган АҚШнинг SUZ800-18-IN0049 рақамли “Китобхонлар клуби” мавзусидаги хорижий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Бухоро давлат университетининг 2021 йил 29 июндаги 05-01-0316-сон маълумотномаси). Натижада мулоқот жараёнида перифразалардан фойдаланишга оид янги қарашлар юзага келган; ўқувчи-китобхонларда лингвистик ва коммуникатив қобилиятнинг такомилга эришилган;

қиёсланаётган тиллар тиббий перифразаларининг лингвокультурологик хусусиятлари асосидаги назарий ва амалий хулосалардан Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг “Ассалом, Бухоро”, “Саккизинчи мўъжиза” кўрсатувлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган. (Бухоро вилояти телерадиокомпаниясининг 2021 йил 9 июндаги 1/160-сон маълумотномаси). Натижада мазкур телекўрсатувлар учун тайёрланган материалларнинг мазмуни мукаммаллашган, кўрсатув жараёнида суҳбатдош билан ўрнатилдиган диалогик мулоқотда нутқ равонлиги, тушунчалар қўлланишининг аниқлиги, жумладан, перифразаларнинг лингвистик нуқтаи назардан тўғри ишлатилиши ҳамда нутқ маданиятининг шаклланиши борасида тавсиялар шакллантирилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 14 та, жумладан, 8 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация

комиссиясининг диссертация асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, улардан 7 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 166 саҳифани ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Перифраза лингвомаданий тадқиқот объекти сифатида”** деб аталган биринчи боби “Воқелик объектини ифодалашнинг лисоний усуллари”, “Перифраза турлари ва уларнинг контекстуал-дискурсив функциялари”, “Тиббий перифразаларнинг шаклланиш омиллари” ҳамда “Тиббий матнда перифразанинг ўрни” номли тўрт фаслдан таркиб топган. Бу фаслларда, асосан, воқелик объектини перифразалар, перифрастик эвфемизмлар, перифрастик синонимлар орқали ифодалаш; перифразаларнинг контекстуал-дискурсив функциялари, тиббий перифразаларнинг шаклланиш омиллари ҳамда уларнинг тиббий матнда ўрни ҳақида мулоҳазалар баён этилган.

Антик даврдан бошлаб Аристотель, Цицерон, Квинтилиан каби файласуфлар бу ходисага алоҳида эътибор қаратишган. Айниқса, XVIII аср шоирлари қўллайдиган хос “Decorum” принципи бўлиб, улар ўз шеърларида ва насрий асарларида оддий сўзларнинг ўрнида перифразалардан фойдаланишган. Бунга мисол қилиб, Роберт Блернинг “The Grave” (“Қабр”) шеърда қўлланилган перифразани келтиришимиз мумкин. *У telescope is the sight-invigorating tube*, яъни *телескоп сўзи ўрнида кўришни тетиклантирувчи найча*<sup>16</sup> перифразасини қўллаган. Шунингдек, Жеймс Томсоннинг “The Season” (“Мавсум”) асарида *finny tribe – fish, the bleating kind – sheep*<sup>17</sup>, яъни *балиқ ўрнида финни қабиласи, қўй ўрнида семираётган тур* каби кўплаб перифразаларни учратиш мумкин.

Перифразалар XX асрнинг 50-йилларида дунё тилшунослигида, айниқса, рус тилшунослиги<sup>18</sup>да услубий воситалар сирасидаги ўрни лингвистик

<sup>16</sup> Robert Blair. The Grave // Great Britain, London, 1743. – P. 8.

<sup>17</sup> James Thomson. The Season // London: printed for J. Millan, near Scotland-Yard, White-Hall; and A. Millar, in the Strand, M.DCC.XXXV., 1735, P. 54.

<sup>18</sup> Ильина И.З. Перифраз и его стилистические функции в произведениях английской художественной литературы. Автореф. дис.... канд. филол. наук. М., 1954. – 24-б.; Уткина В.П. Перифрастический оборот в

жараён сифатида бошқа лисоний ҳодисалар ва воситалар билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этилган.

Америкалик тилшунослар К.Тимонс ва Ф.Гибни перифразани тасвирий ифода, яъни соддароқ ибора ўрнида қўлланувчи мураккаб бирлик сифатида изоҳлайдилар<sup>19</sup>.

Перифраза юнонча сиқилган нутқнинг батафсил, кенг тушунтирилгани бўлиб, сўзни бошқа бир сўз билан ифодалаш, бир сўзни изоҳлаш учун сўзларни ўзгартириш<sup>20</sup>, фикр(жумла)ни такрорлашнинг кенгайтирилган шакли<sup>21</sup> сифатида баҳоланади.

Тадқиқотнинг “Воқелик объектини ифодалашнинг лисоний усуллари” дея номланган илк фаслида улардан бири сифатида перифрастик эвфемизмлар таҳлилга тортилди ва кўплаб олимларнинг<sup>22</sup> ишлари ўрганилди.

Бир қатор хорижий лингвистлар, жумладан Р.У. Ҳолдер эвфемик перифраза сўз ёки иборани юмшоқроқ ёки тушунарсиз ифода билан алмаштириш учун қўлланиладиган восита деб атаган бўлса<sup>23</sup>, Ж.Ниман ва К.Силвер кўпол ёки одобсиз, ноқулай ҳодисаларнинг ўрнида қўлланувчи бирикмалар деб таъкидлаган<sup>24</sup>. Д.Кристал эса ҳақиқатни безаш учун қўлланиладиган восита деб ифодаласа<sup>25</sup>, С.Ульман эвфемизмларни семантик универсалларга тегишли ҳодиса деб ҳисоблайди<sup>26</sup>.

Перифразаларда кўполликни юмшатиш хусусияти йўқ. Аммо улар нутққа кўтаринкилик беради. Эвфемизмларда сўзловчининг ифодаланаётган воқеликка, мазмунга ўзининг ички муносабатини ифодалаш ҳамиша ҳам

русской художественной литературе // Известия Крымского педагогического института им. М.В. Фрунзе. Симферополь, 1959. Т. 33, Вып. 1. – С. 87-109.; Григорьев В.П. Слово - образ - денотат: К проблеме перифразы // Н.А. Некрасов и русская литература: Тезисы докладов и сообщений межвузовской конференции. – Кострома, 1971. – С. 122-125.; Григорьев В.П. К проблеме перифразы // Сборник докладов и сообщений лингвистического общества. – Калинин, 1974. – С. 104 -114.; Макарова С.Я. Перифраза в современном русском литературном языке (на материале газет) // Содержание и методика преподавания русского языка в средней и высшей школе: Материалы 15-й научно-методической конференции Поволжья. – Волгоград, 1972. – С. 55-58.; Кожин А.Н. Перифрастические построения в языке советской эпохи // Русский язык в школе. – 1977. – № 4. – С. 89-94; Базарская Н.И. Вторичная номинация в системе языковых знаков (на материале перифраз английского и русского языков): автореф. дис... канд. филол. наук.– Саратов, 1988. – С. 25; Евдокимова Е.В. Прагматический и лингвокультурологический аспекты перифраз и сходных стилистических приемов в газетно-журнальном дискурсе (на материале прессы Великобритании и США): дисс. ...канд. ...филол. ....наук.- Новосибирск – 2007. – 172 с.

<sup>19</sup> С. Timmons, F.Gibney. Britannica book of English Usage // New York: Britannica books, 1980. – P. 78.

<sup>20</sup> Даль. В.И. Толковый словарь живого великорусского языка. 3-том. – М., 1882. – С. 576.

<sup>21</sup> Балли Ш. Французская стилистика. – М., 1961. – С. 262.

<sup>22</sup> Баскова Ю.С. Эвфемизмы как средство манипулирования в языке СМИ (на материале русского и английского языков) //дисс...кандидата фил. наук. – Краснодар, 2006. – С. 26.; Милоенко Е.О. Специфика функционирования эвфемизмов в индивидуальном лексиконе// дисс...кандидата фил. наук. – Курск, 2009. – С. 24.; Kate Burridge. Euphemisms and Language Change: The Six and Seventh Ages // Open Edition Journals, Lexis, 2012, P. 3. <https://doi.org/10.4000/lexis.355>; Samuel King. Euphemisms in English // UNRAVEL, United Kingdom, 2015, P. 2.; Allan K. Euphemism and Disphemism: Language used as Shield and Weapon // Oxford: Oxford University Press, 1991 – P.169.; Мамедова К.М., Хаустова Т.Ю. Эвфемизмы в современном русском языке и врачебной практике // Bulletin of Medical Internet Conferences, 2013. – Volume 3. Issue 11. – С. 1246.

<sup>23</sup> R.W.Holder. How Not To Say What You Mean // Oxford University Press, 2002. – P. 134.

<sup>24</sup> J.S. Neaman, C.G. Silver. The Wordworth book of euphemisms // Cumberland House, 1995. – P. 106.

<sup>25</sup> D.Crystal The Cambridge Encyclopedia of the English [Language // Cambridge: Cambridge University Press, 1995. – P. 208.

<sup>26</sup> С.Ульман. Семантические универсалии // Новое в лингвистике. – М., 1970. – Вып. 5 – С. 253.

сезилавермайди. Перифразаларда эса адресантнинг ички эмоцияси, муносабати балқиб туради.

Бобнинг иккинчи фаслида перифраза турлари ва уларнинг контекстуал-дискурсив функциялари хусусида фикр юритилган бўлиб, асосий таснифга кўра образли ва мантикий перифразага бўлинса, яна бошқа таснифга кўра оригинал ҳамда анъанавий перифразаларга ажратилади. Бундан ташқари ушбу фаслда перифразанинг асосий функциялари сифатида номинатив, тавсифловчи, ҳиссий баҳолаш, бойитувчи, ифода, алмашинувчи, услуб-шакллантирувчи, тантанавор ҳиссиётни ифодалаш вазифалари таҳлилга тортилган.

Бобнинг учинчи фаслида тиббий перифразаларнинг шаклланиш омиллари, яъни метафора, метонимия, синекдоха каби бир қанча усуллар орқали юзага чиқиши хусусида сўз юритилган. Тадқиқот давомида тиббий нутқда метафора асосида ҳосил бўлган перифраза бирликлари кўп қўлланилиши асосли изоҳланилган. Жумладан, инглиз тилида: *High blood pressure is often called the silent killer because most people who have it don't have any symptoms* (Mayo Clinic health system, 2020); Ўзбек тилида: *Елбўғоз – ёлгон ҳомиладорлик ҳақида биламизми?* (<https://qomus.info>).

Метонимия асосида ҳосил бўлган тиббий перифразалар ҳам нутқда салмоқли ўрин эгаллайди. Масалан, *The hospital was crowded with surgically interesting products of the fighting in Africa.* (I. Show) Ўзбек тилида тиббий нутқда воқеланган *Косметолог – гўзаллик яратувчи инсон* («Шифо-инфо» газетаси, 2019. 10-сон) каби синтактик қурилмалар метонимиядаги ўзаро боғлиқлик перифразага, жумладан, тиббий перифразаларга ҳам ҳослигини кўрсатади.

Синекдоха асосида ҳосил бўлган перифразалар инглиз нутқида деярли учрамаслиги, аммо ўзбек тилида бундай тиббий перифразалар талайгина эканлиги очиб берилди: *«Ошқовоқ ичидаги дорихона». Ошқовоқ уругининг қурт тозаловчи сифатини барча билади. Аммо шу билан бирга бу уругнинг фойдалари кўп.* («Даракчи» газетаси, 2019. 25-сон).

Бобнинг тўртинчи фаслида тиббий матнда перифразанинг ўрни ҳақида фикр юритилган. Изланишлар натижасида оммага тушунарли бўлиши учун тиббий матнларда соф перифразалар кўпроқ қўлланганлигига амин бўлинди. Масалан, *AIDS – is the plague of the century* (ОИТС – *аср вабоси*). Ўзбек тилида: *ўпка – кислород ташувчи аъзо қандай тузилган?* («Шифо-инфо» газетаси, 2017. 12-сон).

Контекстуал перифразалар эса муайян матндагина яратилиб, шу матн учун яшайдиган тасвирий ифода тури ҳисобланади. Масалан: *The twenty-first century has already recorded more than ten major epidemic or pandemic virus emergence events, including the ongoing and devastating coronavirus disease 2019 (COVID-19) pandemic. As viral disease emergence is expected to*

*accelerate*<sup>27</sup>. Ўзбек тилида: Юзда очилган баҳор гуллари. “Баҳорнинг қуёшли кунлар гўзал қизларимизни бироз ташвишга солиши табиий. Негаки, у юздаги доғлар ва сепкилларнинг авж олишига сабаб бўлади. (“Шифо-инфо” газетаси, 2014. 11-сон).

Диссертациянинг “**Инглиз ва ўзбек тили тиббий перифразаларининг лингвистик хусусиятлари**” номли иккинчи боби “Тиббий перифразалар семантик микромайдонида миллий хосликлар”, “Инглиз ва ўзбек тили тиббий перифразаларининг морфологик жиҳатлари”, “Тиббий перифразаларда лисоний муносабат турларининг воқеланиши” сингари уч фаслдан ташкил топган.

Кузатишлар асосида тиббий перифразалар шартли равишда қуйидаги луғавий маъно гуруҳ (ЛМГ)ларга ажратилди:

I. Аёлларнинг баъзи жисмоний ҳолатларини ифодаловчи тиббий перифразалар: *Medical schools and residency programs need to return pregnancy termination (abortion) to the curriculum, and federal and state measures must be strongly enforced.* (The New York Times, Oct 13, 1994, Section A, Page 26). Ўзбек тилида: Агар бундай бўлмаса, узум шодачаларини жарроҳлик йўли билан олиб ташлаш зарур. («Суғдиёна» газетаси, 2019. 2-сон).

II. Касалликлар билан боғлиқ тиббий перифразалар:

а) бактериал касалликларни ифодаловчи тиббий перифразалар: *Salmonellosis is a food-borne illness typically caused by consumption of contaminated foods* (Department of Health, 2020). Ўзбек тилида: Салмонеллез – иссиқ-совуққа чидамли бактерия («Даракчи» газетаси, 2019. 9-сон);

б) кўз касалликларини ифодаловчи тиббий перифразалар: *Conjunctivitis is often called pink eye* (Antimicrobial Chemotherapy, 7E 2015). Ўзбек тилида: Катаракта – маккор касаллик (кўз касаллиги). («Суғдиёна» газетаси, 2020. 4-сон.);

в) ошқозон билан боғлиқ касалликларни ифодаловчи тиббий перифразалар: *The inflammation of gastritis is most often the result of infection with the same bacterium that causes most stomach ulcers. Inflammation of the lining of the stomach (acute gastritis) may occur suddenly, or appear slowly over time (chronic gastritis)* (Cleveland Clinic, September 8, 2020). Ўзбек тилида: Жигилдон қайнаши – нафсни тия олмаслик оқибати. («Шифо-инфо» газетаси, 2019. 10-сон);

г) юрак касалликларини ифодаловчи тиббий перифразалар: *A rapid heartbeat (tachycardia) that originates in the ventricles.* (Cleveland Clinic, June 12, 2018). Ўзбек тилида: Микроинсулт – организм «сигнали»га безътибор бўлманг! («Даракчи» газетаси, 2019. 18-сон);

д) юқумли касалликларни ифодаловчи тиббий перифразалар: *Hepatitis A – gradual liver failure* (American Liver Foundation, October 6, 2021). Ўзбек тилида: Мононуклеоз – бўса инфекцияси. («Суғдиёна» газетаси, 2020. 2-сон);

<sup>27</sup> Rita M., Ralph S. Developing therapeutic approaches for twenty-first-century emerging infectious viral diseases // Nature Medicine. – USA, 2021. – P. 401. <https://www.nature.com/articles/s41591-021-01282-0>

е) бошқа турли касалликларни ифодаловчи тиббий перифразалар: *Some people don't even feel slipped discs or ruptured discs (herniated disc) and never know it's happening until they get imaging done for another reason, like trauma to the back.* (Mayo Clinic, September 26, 2019). Ўзбек тилида: *Бавосил (геморрой)ни шоҳларнинг касали дейишади. Чунки бу дард камҳаракатлик, бир жойда узоқ ўтириш ва ич қотишиш туфайли қаттиқ кучаниш оқибатида пайдо бўлади* («Шифо-инфо», 2018. №14).

III. Фасллар билан боғлиқ ҳолатларни ифодаловчи тиббий перифразалар. Фасллар билан боғлиқ ҳолатларни ифодаловчи перифразалар инглиз тилидан кўра ўзбек тилида талайгина эканлигига гувоҳ бўлинди: *Организмни илик узилди даврига биргаликда тайёрлаймиз.* («Даракчи» газетаси, 2020. 7-сон).

IV. Оғриқ билан боғлиқ ҳолатларни ифодаловчи тиббий перифразалар. Инглиз тилида оғриқ, яъни «rain», «ache», «sore» сўзлари билан боғлиқ *causing intense suffering, unbearably distressing, an excruciating noise, abscessed tooth* каби перифразалар ишлатилади. Ўзбек тилида: *Оғриқ – организм ҳайқириси! Унга қулоқ солмаслик ва «оғзини ёпиш» яхшиликка олиб келмайди.* («Суғдиёна» газетаси, 2019. 3-сон).

V. Ўсимлик номларини ифодаловчи тиббий перифразалар: *Described as herbal aspirin, chamomile is one of the leading herbal remedies worldwide.* (Herbal Medicine and Botanical Medical Fads, 2003). Ўзбек тилида: *Табиат юборган тез ёрдам - петрушка жигар учун жуда фойдали.* («Даракчи» газетаси, 2018. 51-сон).

VI. Сабзавот номларини ифодаловчи тиббий перифразалар: *Pepper - enemy of bacteria and virus* (BBC News, 2015). Ўзбек тилида: *Пиёз – аёл саломатлиги қўриқчиси.* («Даракчи» газетаси, 2019. 2-сон).

VII. Мева номларини ифодаловчи тиббий перифразалар: *Plum – reducer blood sugar* (WebMD, 2020). Ўзбек тилида: *Ўрик – юрак малҳами.* («Доктор пресс» газетаси, 2016. 26-сон).

VIII. Тана аъзолари номларини ифодаловчи тиббий перифразалар: *Job of the natural filter (liver) is to purify blood and make it free from all the waste.* (Healthline, 2019). Ўзбек тилида: *Жигар биокимёвий фабрика ҳисобланади. У организмни бактерия, токсин ва антигенлардан тозалайди. Витамин ва оқсилларни синтезлайди.* («Даракчи» газетаси, 2019. 1-сон).

IX. Тиббий анжом номларини ифодаловчи тиббий перифразалар: *An artificial kidney (hemodialyzer) is used to remove waste and extra chemicals and fluid from your blood.* (Healthline, 2019). Ўзбек тилида: *Мини-насос – хаста юрак халоскори.* («Доктор пресс» газетаси, 2016. 28-сон).

X. Тиббий машқ номларини ифодаловчи тиббий перифразалар: *Pranayama is the practice of breath regulation. It's a main component of yoga, an exercise for physical and mental wellness.* (Healthline, 2020). Ўзбек тилида: *Шифокор тавсияси билан нафас гимнастикаси – шарни шишириш, физиотерапия ўтказилиши мумкин.* («Даракчи» газетаси, 2019. 12-сон).

XI. Витамин номларини ифодаловчи тиббий перифразалар: *That would come as no surprise to Louv, who touts even small doses of vitamin N (as in nature) as a powerful protector of your body and mind.* (Nature at the confluence, 2020). Ўзбек тилида: *Хужайралар учун энг универсал ёқилги глюкоза ҳисобланади* («Бекажон», 2018. №97. – Б.28).


XII. Қўлда тайёрланадиган турли дамлама ва дармондори номларини ифодаловчи тиббий перифразалар: *Benefits of Elderberry Tincture: An Amazing Natural Immune Booster.* (Oma Herbal Teas, January 28, 2019). Ўзбек тилида: *Чемпион ичимлик каркади – Судан атиргулларидан тайёрланган дамламани мунтазам равишда ичиш ҳам томирларни кенгайтириб, деворларини мустаҳкамлайди.* («Даракчи» газетаси, 2019. 1-сон).

XIII. Ёшга доир ҳолатларни ифодаловчи тиббий перифразалар: *The seven year itch (scabies) is contagious skin infestation by the mite Sarcoptes scabiei.* (Journal of Dermatology and Dermatologic Diseases, 2019). Ўзбек тилида: *Кексалик гули – пигментли доғлар, асосан, 40-50 ёшдан ошган инсонлар терисида табиий равишда пайдо бўла бошлайди.* («Шифо-инфо» газетаси, 2016. 44-сон).

XIV. Турли тиббий муолажаларни ифодаловчи тиббий перифразалар: *Talk therapy (Psychotherapy), is a way to help people with a broad variety of mental illnesses and emotional difficulties.* (American Psychiatric association, 2019). Ўзбек тилида: *Вакцинация – вирусларга қарши қалқон.* («Суғдиёна» газетаси, 2018. 40-сон).

XV. Ширинлик номларини ифодаловчи тиббий перифразалар: *Too much chocolate can wear down our teeth's enamel, causing erosion and decay. That's why it is known as teeth enemy.* (Deer Valley Dental Care, 2019). Ўзбек тилида: *Асал – жигар ёқтирадиган ширинлик.* («Шифо-инфо» газетаси, 20130. 46-сон).

Тиббий перифразаларни луғавий маъно гуруҳларига ажратиш давомида жами 212 та тиббий перифразалар таҳлилга тортилди. Статистик таҳлилимиз шуни кўрсатдики, инглизларда касалликлар билан боғлиқ перифразалар, оғриқ билан боғлиқ ҳолатларни, тана аъзолари номларини, тиббий анжомларни, витамин номларини, турли тиббий муолажаларни ҳамда ширинлик номларини ифодаловчи тиббий перифразалар ўзбек тилига нисбатан миқдоран кўпроқ қўлланилганлигига, ўзбек тилида эса аёлларнинг баъзи жисмоний ҳолатини, ўсимлак номларини, сабзавот номларини, ёшга доир ҳолатларни ифодаловчи перифразалар кўпроқ қўлланилганлигига гувоҳ бўлдик.



Бобнинг иккинчи fasлида инглиз ва ўзбек тили тиббий перифразаларининг морфологик жиҳатлари таҳлил қилиниб, перифразаларнинг у ёки бу сўз туркумига мансублиги уларнинг қайси сўз туркумидаги сўз билан синонимик муносабатга киришиши (ёки перифразанинг қайси сўз туркумидаги сўзни қайта номлаши)га қараб белгиланиши хусусида фикр юритилган. Инглиз ва ўзбек тили тиббий перифразаларининг морфологик хусусиятлари таҳлил қилинаркан, тиббий перифразаларнинг асосан от сўз туркумига мансуб сўзлар ўрнида қўллангани хусусида хулосага келинди: *Hepatitis A – gradual liver failure* (Healthline, April 9, 2019); *Стевия – ўзбеклашган гиёҳ* («Шифо-инфо» газетаси, 2018. 2-сон).

Йиғилган мисоллардан инглиз тили аналитик тиллар гуруҳига мансуб бўлганлиги учун перифразаларнинг ҳосил бўлишида асосан предлог, артикль ҳамда сўз тартибининг аҳамияти катта эканлиги гувоҳ бўлди: *Ischemia – lack of blood supply*, *AIDS – the plague of the century* каби.

Ўзбек тилида перифразалар, асосан, от сўз туркуми ўрнида қўлланар экан, уларда отларга хос грамматик категориялар, яъни эгалик ва келишик категориялари билан шаклланади: *Мохов – энг қўрқинчли касалликнинг давоси борми?* («Даракчи» газетаси, 2018. 40-сон).

Тиббий перифразалар от туркумидан ташқари сифат билан ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан, *President Donald Trump has called the coronavirus an invisible enemy that's brilliant and tough and smart, adding that we are tougher and smarter* (The Conversation, May 22, 2020).

Шунингдек, иккала тилда ҳам тиббий перифразалар бирикма ҳолда хилма-хил морфологик моделлар асосида намоён бўлади. Перифразаларнинг от туркуми билан ифодаланишини эса уларнинг асосан шахс, предмет, воқеа-ҳодисаларга нисбатан тасвирий ифода бўлиб келиши билан изоҳлаш мумкин.

Тиббий перифразаларнинг салмоқли қисмини бирикмали ҳолдаги перифразалар ташкил этади. Нутқда *сифат+от, от+от, сифат+от+от, сон+от+от, от+феъл+от, феъл+от+от* қолипидаги тиббий перифразалар кўп қўлланилиши кузатилади.

Бобнинг учинчи фаслида тиббий перифразаларда лисоний муносабат турларининг воқеланиши хусусида фикр юритилар экан, перифразалар тил бирликлари сифатида эътироф этиладиган (фонема, морфема, лексема, фразема, қолип каби) бирликларнинг ҳеч бирини такрорламаслигига гувоҳ бўлинди. Биламизки, ҳар қандай лисоний бирлик психофизик табиатли бўлиб, бунда икки томоннинг бир бутунлиги (шаклий томони ва маъновий қиймати) назарда тутилади. Зеро, перифраза мураккаб табиатли ҳодиса бўлиб, у аташ хусусиятига кўра лексеманинг мантиқий маънодоши ҳисобланса-да, тузилиш хусусияти ҳамда муайян тушунча, воқеа-ҳодиса, белги, шахс ёки нарсани образли ифодалашига қараб, шунингдек, таркиби бирдан ортиқ сўздан иборатлигига кўра лексема таърифига мос келмайди. Яъни маъновий қиймати лексемага мос, шаклий томони эса лексема қолипига сиғмайди.

Диссертациянинг **“Инглиз ва ўзбек тили тиббий перифразалари лингвомаданий аспектда”** номли учинчи боби “Тиббий перифразаларнинг лингвомаданий хусусиятлари”, “Инглиз ва ўзбек тилидаги ўхшатиш асосида вужудга келган тиббий лингвомаданий перифразаларнинг қиёсий таҳлили” ҳамда “Инглиз ва ўзбек тилидаги тиббий лингвомаданий перифразаларда лақуналар” деб аталган уч фаслдан таркиб топган.

Е.Верещагин, В.Костомаров, Р.Робинсларнинг муштарак фикрларида таъкидланганидек: “Тил – маданият ганжи, сандиғи, мажмуи. У лексика, грамматика, иборалар, мақол ва маталлар, фольклор, бадий ва илмий адабиёт, оғзаки ва ёзма нутқда маданий қадриятларни сақлаб келувчи бебаҳо хазина<sup>28</sup>.”

Тиббий перифразалар юқорида саналган умумий хусусиятлардан ташқари яна ахборот етказувчи (одатда, шифокор) томонидан узатилаётган маълумотни ахборот қабул қилувчи (одатда, бемор ёки унинг яқинлари)га тушунарлилик даражасини таъминлаб беришга ҳам хизмат қилади. Яъни илмий атамаларга бой (одатда, илмий атамаларсиз мавжуд бўла олмайдиган) тиббий нутқни соҳа эгаси бўлмаган ёки тиббиёт соҳасидан йироқроқ бўлган ўқувчи ёки тингловчи (қабул қилувчи) учун тушунарли тарзда тузилишини таъминлашга ҳам хизмат қила олади. Такқослаймиз, 1) *Conjunctivitis can be allergic, viral or bacterial. It is easy to get from dirty hands, washcloths, cosmetics or towels that have the Staphylococcus aureus, Streptococcus pneumonia, and Haemophilus influenza.* 2) *Pink eye can be allergic, viral or bacterial. It is easy to get from dirty hands, washcloths, cosmetics or towels that have the bacteria, or virus attached to it.* Кўринадикки, биринчи жумлада оддий бемор учун ноаниқ

